



Элим деб, юртим деб

ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ 1997 йил 12 февраль Чоршанба. № 13 (14405)

«Камолот» — ёшлар таянчи

ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛанаДИ

... Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ёшларда умуминсоний қадриятлар ва миллий онг даражасини юксалтириш, шахсининг камолотида оила, мактаб ва маҳаллаларнинг роли ва масъулиятини оширишга доир маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларни биргаликда тақомиллаштиришга аҳд қилдилар. Мазкур шартнома 11 февраль куни Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раиси Хотам Абдураимов ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Шукурхон Темуровлар томонидан имзоланди. Хотам Абдураимов сўзга чиқиб, йиғилганларни кўни кеча нишонланган Алишер Навоий бобомизининг таваллуд кунлари ва муборак рамазон ҳайити билан қутлади. Уз нутқи давомида ҳар иккала томоннинг давлатимиз тараққийлатишдаги муносиб ва изчил давомчиларини камол топширишдаги мақсадлари умумийлигини ҳисобга

олганда фаолият дастурлари ва вазифаларнинг муштарак эканлигини таъкиллаб ўтди. Шукурхон Темуров эса миллий урф-одатларимиз, ўзбек маҳаллаларининг бошқа халқлар уртасидаги узига хос томонлари ҳақида алоҳида тўхтади. Ушбу маросимда иштирок этган профессор Азиз Қаюмовнинг ҳозирги ёшларга муносабати ва Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сузлаган мароқли маърузасидан сўнг ёшлар мушоираси бошланиб кетди. Олий ва урта махсус ўқув юрталари ва мактаблардан келган талабалар ва ўқувчилар Навоий бобомизининг газалларидан ҳамда ўз ижод намуналаридан ўқиб, йиғилганларни ҳушўд этди. Шоир Азиз Саид, Абдувоҳид Ҳайит ва Паҳлавон Соҳилларнинг шеърлари барчанинг диққат-эътиборига сазовор бўлди. Шартнома эса... томонларнинг келишувига биноан 5 йил муддатта имзоланди. Бу эса биз ёшларга ўз имкониятларини намоён қилиш йўлида кенг йўллар очиб беради.

М. ТОЖИМАТОВА.



«КАМОЛОТ» ЯНГИЛИКЛАРИ

Самарқанд томонларда

«Камолот» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимида жамғарма туман, шаҳар бўлими раис уринбосарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинарда жамғарма фаолиятига доир масалалар билан бир қаторда «Туркистон» газетасида чоп этилган «Сиз менга тегман» мақоласи ҳам муҳокама этилди. Вилоятда мавжуд 125 та қишлоқларда клублар, кутубхоналар ишини жонлантириш, уларга ёшларни кенг жалб қилиш чора-тадбирлари ва бу йўлда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиқ маркази вилоят бўлими билан 1997 йил ҳамкорлиқдаги тадбирлари тасдиқланди. Мутахассислардан иборат сайёр гуруҳ муаммоларни урганиш ва амалий ердам бериш учун жойларга чиқмоқда.

Самарқанд қишлоқ ҳужалиқи институти «Камолот» жамғармаси жамоатчилиқ маркази «Касбим — фаҳрим» мавзусида даяра суҳбати ўтказди. Унда институти ветеринария факультети декани К. Норбоев, профессорлар Р. Ҳайитов, ва А. Шодмоновларнинг қизиқарли маърузалари, талабалар билан савол-жавоблари катта таассурот уйғотди.

Самарқанд Давлат Университети «Камолот» жамғармаси жамоатчилиқ маркази талаба-ёшларнинг дам олишларини ташкил этиш мақсадига муайян тадбирларни амалга ошириб келимоқда. Шундай тадбирлардан бири «Қойил-маком беш ўлган» курик-танлови жўда қизиқарли ўтди. Танловда талабалар ҳаётидаги камчилик ва муаммолар, ичаксузи хангомалар томошбаиларга манзур бўлди. Барча гоҳилларга жағарма қимматбаҳо совғалари топширилди.

Жамғарманинг Каттақўрғон шаҳар бўлими шаҳардаги тижорат техникуми ўқувчилари уртасида «Биз-Ватан» таърифи курик-танлови ўтказди. Танловда бўлгуси Ватан посбонлари ўз билимлари ва маҳоратларини намойиш этдилар. Танлов гоҳилларига совғалар топширилди.

Ўқув масканларида нима гап?

ТАРБИЯ — УМУМХАЛҚ ИШИДИР

Тошкент Алоқа коллежининг ташкил этилганига ҳадемай ўттиз йил тулади. Утган вақт мобайнида бу масканда 25 минг нафар турли касбдаги алоқа мутахассислари ҳамда иқтисод ва ҳисобот ишларини юритувчи кичик муҳандислар тайёрлашга эришилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда коллежда 870 дан зиёд, сиртки бўлимида эса 450 нафар талаба таълим олмақда.

Бу ерда талабаларни ўқитиш, тарбиялаш ҳамда уларнинг яшашлари, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Коллежда ҳуқуқий тарбия ишлари муҳим ўрин тутади, — дейди коллеж директори Саидмахмуд Акбаров. — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Давлат қонунлари ҳамда ҳуқуқат қарорларини билиш ва уларга амал қилиш юзасидан мунтазам равишда иш олиб борилаётган. Айниқса, талабалар уртасида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш мақсадида Шайхонтоҳур тумани участка вакиллари билан биргаликда тадбирлар ўтказмоқдамиз.

Коллеж иш фаолиятида талабалар орасида тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилганни ҳам ҳеч кимга сир эмас. Утган йили бу ерда турли соҳа вакиллари билан ўтказилган учрашувлар талабаларга завқушавқ бағишлади.

Кўни кеча коллежда Шайхонтоҳур тумани ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан ўтказилган учрашув юқоридаги фикримизнинг далилидир. Унда Шайхонтоҳур тумани прокурори Баҳодир Масаидов, туман судининг раиси Одилжон Аллаев, туман ички ишлар бўлими бошлигининг уринбосари Исроиил Азаматовлар иштирок эттиди.

Меҳмонлар коллеж талабаларига ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, туманда амалга ошираётган ишлар ҳусусида сузлашди. Учрашув иштирокчилари талабаларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

(Ўз мухбиримиз).

Ватан, Унинг сарҳадлари бордир эҳтимол, аммо Ватан туйғусининг сарҳадлари чексиз қалардир. Кунгининг бош урур каъбаси Ватан янглик покиза, ҳам ибтидоий кунгил каби тосадир.

Биз қалбимизга она сўти билан қирган Ватан туйғусини она аллисини ёдлаганимиз каби эслаймиз. Ватаннинг хизматига ярамоқ бахти, унинг истиқболига ошуфта бўлиш млинжи энг юксак туйғу бўлса керак. Зеро, юртбошимиз Ватанга бўлган меҳру-муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай сувуз кўни енишга қодир, деган эди.

Ёшларни Ватан хизматига тайёрлаш борасида республикада қилинаётган ишларга бағишлаб Марказий офицерлар саройида семинар ўтказилди.

Унинг асосий мақсади ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ҳамда 1996 йил ҳарбий қақрув мавсуми якунлари муҳокамасидан иборат бўлиб, бунда тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари, раҳбарлари иштирок этдилар. Семинарни республика «Камолот» жамғармаси раиси Хотам Абдураимов кириш сўзи билан очди ва олиб борди. «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир ўз олдига улкан мақсадларни қўйган. Анжуманда сузга чиққанлар асосан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 1996 йил қақрув мавсуми якунлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ахбороти, ёшларни ҳарбий ва муқобил хизматга қақрув буйича Президент Фармонининг бажарилиши, ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида Халқ таълим муассасаларининг амалга ошираётган ишлари ва келгуси режалари тўғрисида «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Ватанпарвар» ташкилотларининг олиб бораётган ишлари ҳусусида суз юритдилар.

Ватан учун, тинчлигимиз учун, ўтказатган осуда кунимиз учун мустақил республикамиз ўз ҳимоячиларини тайёрлайди. Жисмоний бақувват, маънавий баркамол ўғлонлар, иқтисодий-ижтимоий, ривожланиши учун барча соҳаларда кучгайратиларини эзгу ишларга сарфлайдилар. Бу борда «Камолот» жамғармаси бўлими билан ушбу йилда қилаётган ишлари диққатга сазовардир. Бугунги учрашув ҳам юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади. Анжуман ўз ишини давом эттирар экан, сузга чиққанларнинг барчаси ҳарбий масалаларга доир ўз

эчимини кутаётган муаммолар ҳақида фикр юритдилар. — Катта лейтенант Заҳид Одилов буланам. — деб узини таништирди суҳбатдошим, — бўлимида ҳар йилги қақрув йиғилган хотира-сида яхши сақланиб қолиши учун жўда кўп юмушларни бажаришга турти келди. Йиғилган узлари жонли бурчалар ташкил этишган. Ҳар ҳафта миллий кураш буйича


ли Кучлари ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди, улар учун тушлик ҳамда арзонлаштирилган китоб савдоси ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги ва «Камолот» жамғармасининг ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуман йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тадбир ниҳоятда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда шу йилнинг 1 мартига қадар «1996 йилда ҳарбий хизматга қақрув натижалари ва ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» масаласини чуқур таҳлил этиш буйича йиғилиш ўтказиш тўғрисида ташкилий кўмитга қарори эълон қилинди. «Камолот» нинг камоли, истиқбол учун тиним билмай меҳнат қилаётган йиғилганларга масъулият янада кўпроқ юкланди. Қалбингиздаги олов бир зум сунмасин шижоатли йиғилганлар! Ватаннинг чегарасида киприклар — киприклар билан учрашмайди. Одамларнинг тинчлиги учун, юрт товулиги учун тунлар оромидан кечиб, ўз бурчларини адо этаётган шероракли йиғилганларимизга ҳавас қилайлик. Мардлик, жасурлик фақат Ватан ҳимоясидагина синаладиган фазилатдир.

Феруза ОРИПОВА.

ЙИГИТЛАР ХАЛҚЛАРНИНГ ҒУРУФИ, ҒАҲФИ

БУГУНГИ ТАЛАБА — КЕЛАЖАК ВОРИСИ



Бугунги амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар узининг илбий самарасини бериши кўп жиҳатдан маҳалла мутахассисларга ҳам боғлиқлар. Бозор иқтисодиётининг миканмаъл равишда шаклланишининг яна бир муҳим омилли эса ўқув жараёнида тўз узга-ришлар ясашдан иборат. Бўни Термиз Давлат университетида яхши англаб етишган.

Икки йил аввал Термиз педагогика институтини Университет мактабининг олғач, илм даргоҳида Бўтпик Бўришлар содир бўлди. Талабаларга таълим бериш тизими яхшиланган, университетнинг моддий-техникавий базаси мустаҳкамланган, маалака ва тажрибали

«молия ва кредит», «соғлиқ тизими», «менеджмент» иқтисодий бўйича мутахассислар тайёрланади. Мазкур факультетнинг узига хослиги — Сўрхондарё вилоят

тида истиқомат қилувчи ёшлар маҳаллий Бозорнинг узига хос жиҳатлари, талаба ва эҳтиёжларини яхши ҳис этишадди. Бўлгуси мутахассислар маркетинг, Бухгалтерлик ҳисоби ва аудиторлик соҳасида иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим роль ўйнайдди. Факультет қосида тайёрланган «Компьютер синфи» полнҳасп — талабаларга иқтисодий фанлар бўйича билим берувчи автоматлаштирилган тизим Евроосиё жамғармасининг муқофотга сазовар бўлди. Унинг ёдаммида талабалар Жаҳон Банкининг Иқтисодий тараққийт институти ўқув дастури асосида компьютер техникасини пухта урганиш имкониятига эга бўлишди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

(ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОВАТИЯЛАШТИРИШ) МАВЗУСИДА УТКАЗИЛГАН ЎҚУВ ЯКУНЛАРИГА ДОИР)

Ким замонавий ёшлар етакчиси бўла олади? У қайси сифатларга эга бўлиши, нималарни билиши лозим? Ёшлар етакчиси ва бугунги давр талабалари узаро бир-бирига қандай боғланган? Шубҳасизки, бу мулоҳазалар айни кунда бевосита ёшлар билан ишлаётган ҳар бир кишини уйга чумдиради.

Албатта, ёшлар ўз сариоларини узлари топшилади, узлари тарбияланади ва ниҳоят, уни узларига етакчи қилиб сайлашади. Негаки, у бошқалардан яққол ажралиб турғувчи қобилияти билан апрофдагилар эътиборини қозониб, уларни жиқсаштиради, ўз ордидан эргаштиради. Шу аснода унга ишонч билдирган кўпчиликнинг майли ва манфаатини ифода этади.

Мана шундай истеъдоқ билан бир қаторда шубҳасизки, унга ёшлар билан иш олиб бориши ҳақида тасаввур уйғувчи замонавий билимларни урганиш ҳам зарур бўлади. Табиийки, жаҳоннинг илгор тажрибаларига асосланган бундай таълим усули шу пайтга қадар бизда унчалик ривож топмаган эди. Ваҳоланки, республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви ўз негизиде ана шундай ўқув тизимини яратиб йўлида ҳайри ишта қўл ўрди. Жамғарма ва Американинг «Каунтерпарт консорциум» ташкилоти уртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик ва икки мамлакат ёшлари орасида дўстликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Шартнома бу ишнинг амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Келишувга мувофиқ, Америка ташкилоти энг етуқ мутахассислар ва олиблар турудини тақлиф этган ҳолда, жаҳон андозаларига мос таълим ишларини йўлга қўйдилган. «Камолот» жамғармаси эса шаҳар ва туманларда истиқомат қилаётган турли соҳа ёшлари, уларнинг етакчилари ва жамғарма фаолларини ўқишга жалб қилаётган, тегишли ташкилий ишларни амалга оширадиган ва зарур жиҳозлар билан таъминлайдиган бўлди.

Машгулотлар америкаликларга хос эркин, қизиқарли ва ҳамма учун тушунари тарзда олиб борилади. Жонли ва қизгин баҳс-мунозаралар мавзунини тулароқ очишга, уни янада чуқурроқ англашга хизмат қилди, барчани бевосита фикрлашга, ўйлашга ундади. Бу борда ўқитувчи ва ўқувчи деган биз урганиб қолган қолгилар бўлмади, балки ҳамма муаммони етувчи фаол иштирокчига айланган эди. Дейлик, Сиз маҳалланинг спорт билан шуғуланадиган жилла курси муъажизига бир майдонга бўлишни хоҳлайсиз. Ва табиийки, уч-тўрт тенгқурларингиз ҳамроҳлигида шу истак билан маҳалла кўмитаси раисига борасиз. Чунки, бундан осони йўқ.

У Сизга ҳозирча маблаг йўқлигини айтиб, туман ҳокими спорт майдини қуриб беришга ваъда қилганини билдиради. Тарзуинингиз култигингиздан тушиб, орта қайтасиз. Хуш, муаммони бошқача ечиш мумкинми? Ана шу ерда ёшлар етакчиси узини «курсатиш» мумкин. Ҳамма туғунни ечишнинг ўз йўлини издор элади... Турли тақлифлар уртга ташланади. Мутахассислар ҳар бир мулоҳазани эйрақлик билан қайд этиб, деворга осилиқ, оқ қоғозларга уларни схема тарзида энг борилади. Ошқора муқокамалар тайёрланган утандидан суз ва бошқа ностандлар ендашувлар натижасида муаммони энг мақбул ечимлари излаб топилади... Муҳими, уни ёшларнинг узлари топшилади.

«Учигчи сектор», «Жамият ташкилотлари ва ёшлар», «Бизнес лойиҳасини тузиш», «Транг олиш тартиби», «Халқаро ноҳуқумат ташкилотлари билан ишлаш», «Фуқаролик жамияти», «Жамият ташкилотининг ички тузилмаси», «Давлат сектори билан муносабат» каби мавзулардаги машгулотлар ҳам ранг-баранг ва савол-жавобларга бой бўлди. Уч босқичда ўтказилган таълим жараёнида республикамизнинг турли қишлоқлари, туман ва шаҳарларидан таширф буюрган жами 50 дан ошдиқ йиғилганлар иштирок эттишди.

Эндиликда улар олган билимларини, тутилган тажрибаларини жойларга бориб амалда таълиқ этадилар, жамоаларини, дустлари билан уртқолашадилар.

— Янгила усулда янги билимлар «олия» этган машгулотлар унинг барча иштирокчиларида катта таассурот қолдирди, — дейди «Камолот» жамғармаси Консултиватив Таълиқ Маркази ҳолими Баҳром Ёқубов. — Шунингдек, бундай ўқувларни бевосита жойларнинг узиде ҳам мунтазам ташкил этиш буйича тақлифлар тушди. Биз «Каунтерпарт консорциум» ташкилоти билан бу борда зарур тавсия ва дастурларни ишлаб чиқиб юзасидан келишиб олдик. Ҳозир билим олиб кетганлар март ойларида келиб имтиҳон топширадилар.

Дарҳақиқат, ўқиниши уонтирганлар ва унда катнашганларнинг мамнун чехраларидан бир нарсани ўқиб мумкин: эзгу ният йўлида бошланган халқаро ҳамкорлик беиз кетмади. У узининг дастлабки илбий самараларини бера бошлади.

Лазиз Тангриев, журналист

КўЧАНИНГ НОЗИРИ КИМ?

Қизик, бундай аҳволга ҳеч тушмаган эканмиз. Ас-лида узимиздан ўтди. 4 февраль сешанба кўни кечки соат олтиларда шошилинч топширилган таҳририятга қайтаётди «Ўзбекистон» меҳмонхонаси енидан Амир Темур шоҳқўчасидан қондаларга риоа қилмай кўчадан ўтибмиз Айбизини тан оламиз, қилмишта яраша ДАН ҳодими бизни тўхтади. Ва... йул қондаларига риоа қилмасдан ўтган-лигимизни ва шунинг учун 60 сум миқдорда жарима тулашимиз лозимлигини курсатди. Биз ҳам жим турганимиз йўқ. Узимизни маълум бир маънодаги ҳақуққуқларимизни талаб қила бошладик. Биринчи талабимиз, ДАН ҳодимининг йсми шарифини билишдик, иккинчи талабимиз эса жарима олганга яраша унинг қитанциясини сурашдан иборат эди. Биринчи талабга бир амаллаб жавоб олдик. Ушбу ҳодимнинг фамилияси Кўчқоров экан. Қайси ДАН бўлимига тегишлилигини сурасакда, унга жавоб олишга анча қийналдик. У ҳам узича,

удагайлаб, қарда ишлашимизга нима ишларинг бор дегандек бўлди. Лекин, саяғ-ҳаракатимиз зое кетмади, бу саволда ҳам жавоб топмадик бўлдик. Унинг курак белгиси ТН 0284 экан. Бироқ, минг ҳаракат қилсак ҳам, қитанцияни масаласини ҳал эта олмадик. Ақсига «мен сизга қитанция беришга мажбур эмасман» деган жавобни олдик. 25 сумлик қитанцияни қиссасидан чиқарган бўлди. Биз ҳам 25 сум тулар эканмиз, деганда ярим русча «Нима Сизга 60 сум бериш «жалкам» деган жавобни олдик. Хуллас, ДАН ҳодими билан «муоҳаба»миз шундай якунланди. Қўтилин учун биздан сураган хизмат гувоҳномаларимизни беришга мажбур бўлдик. Лекин... Бизни бир нараса уйлантиради. Қачонгача, айрим ДАН ҳодимлари кўчаларда узлари хон, қулан-қаси майдон бўлади.

Надир СЎБХОНОВ, Маъсуд ЭЙБОНОВ, «Туркистон» мухбирлари.

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛДА ТАЪЛИМ ОЛИШЛАРИ- НИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси
ҳукумати Президент
И. Каримовнинг 1997 йил
7 январдаги Фармониға
мувофиқ Президентнинг
Иқтидорли ёшларнинг чет
элда таълим олишларини
қўллаб-қувватлаш «Умид»
Жамғармаси
тузилганлигини мамнуният
билан маълум қилади.

Жамғарманин асосий мақсадлари:

- таълим олишнинг устувор йўналишлари бўйича жаҳоннинг илғор тажрибасини ўрганиш;
- бошқаришнинг замонавий усуллариини ўрганиш, англаш ва эгаллаш;
- мамлакатимизнинг барча минтақаларидаги иқтидорли ёшларға хорихда ўқиш учун адолат асосида тенг имкониятлар яратиш;
- ёшларнинг чет элда таълим олиш имкониятларини тубдан кенгайтириш ва шу мақсадда хорихдаги энг обрўли таълим масканларини мустақил равишда танлаш;
- хорихда ўқишға ўз халқига фидойи, Президентимиз айтганларидек «Элим деб, юртим деб, ёниб яшайдиган» иқтидорли ёшларни йўллаш.

Жамғарма тузилиши билан:

- хорихий мамлакатларда иқтидорли ёшларнинг таълим олишларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг устувор йўналишлари учун юксак малакали миллий кадрлар тайёрлашдек улугвор фаолиятнинг бошланишиға асос солинди;
- хорихий тилларни биладиган истеъдодли ёшлар вакиллари АҚШ, Англия, Франция, Германия ва бошқа ривожланган мамлакатлардаги дунёға таниқли ва машҳур ўқув юртларида жаҳон меъёрлари даражасида илмға эға бўлишлари учун Президент грантларини олишдек ҳали тарихимизда мисли қўрилмаган имкониятларға эға бўлдилар.

Таълимнинг асосий йўналишлари:

1. Иқтисодиёт
 - монетар сиёсат ва пул муомаласи;
 - тижорат банклар иши;
 - молияни бошқариш;
 - инвестиция ва қимматбаҳо қоғозлар бозори;
 - менежмент ва маркетинг.
2. Халқаро ҳуқуқ:
 - халқаро сиёсий ва ҳуқуқий алоқалар;
 - халқаро молия ҳуқуқи;
 - халқаро тижорат ҳуқуқи.
3. Информатика ва компьютерлаштириш
4. Табиий фанлар
5. Қишлоқ хўжалиги
6. Экология ва сув тизимларини бошқариш
7. Журналистика

Таълим қуйидаги шаклларда олиб борилади:

1. БАКАЛАВРЛИК — олий ўқув юртлари дастури бўйича таълим (4 йилгача);
2. МАГИСТРАТУРА— аспирантураға тенг келадиган таълим (2 йилгача);
3. ТАЖРИБА ОРТТИРИШ — ёш мутахассисларнинг танлаган касби бўйича малакасини ошириш ва жаҳон меъёрлари даражасида тажриба ўрганиши (1 йилгача).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ:

- ёшларнинг хорихий мамлакатлардаги таълим олиш ва яшаш сарф-харажатлари учун маблағ ажратишни ўз зиммасига олади;
- ўқишни муваффақиятли тугатган ёшларни республиканин устувор ҳисобланган иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида ишлаш учун йўллашни КАФОЛАТЛАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «УМИД» ЖАМҒАРМАСИ:

- мамлакатимиз ёш фуқароларини ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишлари, Республикаимизнинг иқтисодий ривожланган, кучли демократик давлат сифатида юксалтириш йўлида ўз истеъдодларини рўёбға чиқариш учун янги имкониятлар очилганлиги билан МУБОРАКБОД ЭТАДИ;
- хорихий мамлакатларда Ўзбекистонни, унинг таълим мактаби ва илмий анъаналарини ўзига муносиб равишда кўрсата олиш, ўзи танлаган соҳада замонавий билимларни эгаллаш, ўз истеъдодларини юксалтириш каби масъулиятли бурчларини шараф билан бажаришларида иқтидорли ёшларға муваффақиятлар тилайди.

ГРАНТ ОЛИШ ИСТАГИНИ БИЛДИРУВЧИ ЁШЛАРГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:

- элим деб, юртим деб, ёниб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқоди ва бурчи деб билиш, ўз онгли ҳаётини миллий истиқлол гоёларига бағишлаш;
- умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида одоб-ахлоқ ва кенг дунёқарашға эға бўлиш;
- таълимнинг ўзи танлаган йўналиши бўйича чуқур билимларға эға бўлиб, камида бирорта хорихий тилни билиш.

Танловда қатнашиш учун керакли ҳужжатлар ва саралаш шартлари ҳақидаги маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй, тел. 45-57-40, 45-62-55

1997 — 1998 ўқув йилида бакалаврлик ва магистратура бўйича таълим олиш учун саралашда иштирок этишға ҳужжатлар 1997 йилнинг 10 мартига қадар қабул қилинади.

СЕХР МЎЪЖИЗАЛАРИ

Риоснокэ АКУТАГАВА

Серёмғир кузнинг оқшоми эди. Мени олиб бораётган рикша Омори атрофидаги тепаликлар бўйлаб...

ми эди. Аммо Мисра-кун бу гулни бурнинга тугганида, мушки-анбарни ёлга солгувчи ажиб хушбуй иё уфуриб кетди.

аломатини сезиб дарров қўшиб қўйдим: — Фақат сиз менга устозлик қилсангиз бас! Мисра-куннинг юз ифодасидан шубҳаланмагани шундоқ кўриниб турарди.

Бунгача бир ой олдин ўртоғим мени Мисра-кун билан таништириб қўйганди. Биз у билан турли сёсий масалалар бўйича кўп баҳсларлардик, аммо ҳали унинг ажойиб сехри хунарини кўришга тўғри келмаганди.

Бу ҳақиқатда гўзал, ажойиб томоша эди! Абжур узининг шиддатли айланishi орқали шамолни кўтариб, сарик шуъла эса бир маротаба учиё-ёнди!

Мисра-кундан сехргарликни ўргана бошлаганимга бир ойдан ошди. Худди шундай серёмғир оқшом Ринда кўчасида жойлашган клублардан бирининг хонасида ёниб турган камин ёнида бир неча дўстларим билан гурунглашиб ўтирдик.

Жаҳон адабиёти дурдоналари

Мен ўриндикча чўкарканман, кerosин чироқ билан хира ёритилган қоронғу хонани кўздан кечириб чиқдим. Оврупоча услубда жиҳозланган гарибгина хона.

Хаммасидан қизиғи мана нима! Юпқа муқовали китоблардан бири кўчма шунангангил оқилдикни, тўғри қанот битгандек нақ шинга кўтарилди. Бир муддат у стол атрофида айлана чизиб, бирдан бетларини шитирлатиб, шидат билан тиззаамга тушди.

— Дикқат билан кузатинг. Сехргарлик санъатини ҳеч қандай ҳийла, найранглари талари қилмайди! Шундай деб қўйлагим энгини шимардим ва хотиржамлик билан каминдан қизиб ётган бир неча чўғни қафимга қўйдим.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир: Абдуқодир НИЁЗОВ

Набатчи муҳаррир: Шавкат ҚУЛИБОЕВ.

Ривоят қилдиларки, болаҳур одам табидан: «Бир нараса айтгинки, мен ичкиликдан абадий қийтай», — деб илтимос қилибди.

«Ўзбекистон» жамоа ҳужалиги худудиди сўлимгина жой бор. Шу ерда ўтириб ичдилар.

«Ювентус»нинг «Ювентус» клуби яримҳимочиси Андрей Канчелискас эндиликда Италиянинг «Фиорентина» жамоаси гаркибди тўп суради.

«Ювентус»нинг «Ювентус» клуби яримҳимочиси Андрей Канчелискас эндиликда Италиянинг «Фиорентина» жамоаси гаркибди тўп суради.

МАЙХЎР ЎФИЛ, МУШТИПАР ОНА ВА БЕВА КЕЛИН ҚИССАСИ

Меъерини билмаймиз. «Тўрт киши 8 шишани думалатиб, ўзимиз ҳам гишт бўлиб қолибмиз».

«Тўрт нақирон, навжувон йигитлар сархушлик ила машинага ўтириб Бешариқ томон йўлга тушадилар.

«Тўрт нақирон, навжувон йигитлар сархушлик ила машинага ўтириб Бешариқ томон йўлга тушадилар.



Узатгис заррин қумуш Чавандози зўр Алтомшиш, Емишлари сув ва кишмиш — Чопқир отларга қасам! «Чўли ироқ», ёки «Баё», Ярашди ўзбакка от, Қўқайида қирқ таз қанот — Учқур отларга қасам!

Канчелискас «Фиорентина» да Россия терма жамоси ва Англиянинг «Эвертон» клуби яримҳимочиси Андрей Канчелискас эндиликда Италиянинг «Фиорентина» жамоаси гаркибди тўп суради.

«Ювентус»нинг НАВБАТДАГИ ГАЛАБАСИ Италиянинг «Ювентус» жамоаси

«Ювентус»нинг НАВБАТДАГИ ГАЛАБАСИ Италиянинг «Ювентус» жамоаси

«Ювентус»нинг НАВБАТДАГИ ГАЛАБАСИ Италиянинг «Ювентус» жамоаси

Уртоқлик учрашувлари Мавсумга тараддуд кўраётган олий ва биринчи лиганинг бир неча жамоаси уртоқлик учрашувлари ўтказдилар.

«Металлург» (Б) — 1:5, «Зарафшон» — «Знамя Труда» (Орехово-Зуево, Россия) — 1:1, «Дустлик» — «Металлург» (Б) — 5:1, МҲСК — «Кузбасс» (Кемерово, Россия) — 1:1, «Пахтакор» — «Металлург» (Новокузнецк, Россия) — 2:2, «Истиқлол» — 1:0.

«Металлург» (Б) — 1:5, «Зарафшон» — «Знамя Труда» (Орехово-Зуево, Россия) — 1:1, «Дустлик» — «Металлург» (Б) — 5:1, МҲСК — «Кузбасс» (Кемерово, Россия) — 1:1, «Пахтакор» — «Металлург» (Новокузнецк, Россия) — 2:2, «Истиқлол» — 1:0.

«Металлург» (Б) — 1:5, «Зарафшон» — «Знамя Труда» (Орехово-Зуево, Россия) — 1:1, «Дустлик» — «Металлург» (Б) — 5:1, МҲСК — «Кузбасс» (Кемерово, Россия) — 1:1, «Пахтакор» — «Металлург» (Новокузнецк, Россия) — 2:2, «Истиқлол» — 1:0.

Сичқондан безор бўлсангиз... Қўпича сичқон жонингизга тегиб кетса, қопқон ёки захарли дорилар излаб қоласиз.

ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАФРЕЛЛАРЕНИ БЎЮРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ҚОШИДАГИ «КАМОЛОТ-УПФ» ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИ СОҲАЛАР БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ: